

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

300 «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-1

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сонли «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12(I)-сон, 162-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2014 йил 14 май,
34-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2014 йил 14 май,
2014-19-сон

Б. ПАРПИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2014 йил 14 майдаги
34, 2014-19-сонли қарорига
ИЛОВА

**«Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг 1-банди ўн иккинчи хатбошисидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармасига» деган сўзлар «бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-иловада:

а) Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун маълумотнома ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 1-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

б) Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобида: қуйидаги мазмундаги 014-сатр билан тўлдирилсин:

« бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган суммалари	014		»;
--	-----	--	----

110-сатрнинг «Кўрсаткичлар» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Солиқ солиниши лозим бўлган фойда (010-сатр – 011-сатр – 012-сатр – 013-сатр – 014-сатр + 020-сатр + 030-сатр + 040-сатр + 080-сатр – 090-сатр – 100-сатр)»;

172-сатрнинг «Кўрсаткичлар» устунидаги «10» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин;

250-сатрнинг «Кўрсаткичлар» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ солиш базаси (240-сатр – 011-сатр – 013-сатр – 090-сатр)»;

1-илованинг изоҳи қуйидаги мазмундаги 3 ва 4-бандлар билан тўлдирилсин:

«3. 011 – 01..., 021 – 02..., 031 – 03..., 041 – 04..., 051 – 05... ва 061 – 06...-сатрлар тузилган ижара шартномаларининг сонидан келиб чиқиб тўлдирилади.

4. Тўрттадан ортиқ ижара шартномаси мавжуд бўлганда, бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилганда кўрсаткичларни битта сатрга гуруҳлашга руҳсат этилади:

а) ижарага олинаётган жойдан фойдаланиш мақсади бир хил бўлганда. Масалан, бир нечта ижарачи уларга ижарага берилган жойдан бир хил мақсадда — тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун фойдаланади;

б) объектлар (жойлар) битта ҳудудда жойлашганда. Масалан, Тошкент шаҳрида.

в) 1 квадрат метр учун ижара ҳақининг суммаси бир хил бўлганда;

г) ижара шартномасининг амал қилиш муддати бир хил бўлганда.»;

5-илованинг изоҳи қуйидаги мазмундаги 5-банд билан тўлдирилсин:

«5. 2014 йилнинг 1 апрелидан 034 ва 036-сатрларда кўрсатилган имтиёзлар бекор қилинганлиги муносабати билан, ушбу сатрларнинг қийматлари фақат 2014 йилнинг 1-чораги якуни бўйича тўлдирилади ва солиқ ҳисоботи даври мобайнида ўзгаришсиз қолади.»;

6-илованинг изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«2014 йилнинг 1 апрелидан 032 ва 037-сатрларда кўрсатилган имтиёзлар бекор қилинганлиги муносабати билан, ушбу сатрларнинг қийматлари фақат 2014 йилнинг 1-чораги якуни бўйича тўлдирилади ва солиқ ҳисоботи даври мобайнида ўзгаришсиз қолади.»;

8-илованинг изоҳи қуйидаги мазмундаги 5-банд билан тўлдирилсин:

«5. 2014 йилнинг 1 апрелидан жисмоний шахсларнинг омонатлари (муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари) ҳажмларининг кўпайган суммасига имтиёз бекор қилинганлиги муносабати билан, ушбу илова фақат 2014 йилнинг 1-чораги якуни бўйича тўлдирилади ва солиқ ҳисоботи даври мобайнида ўзгаришсиз қолади.»;

в) Норезидентларнинг даромадидан солиқ агенти томонидан тўлов манбаидан ушлаб қолинadиган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳисоб-китоби ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 2-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

г) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тўланадиган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳисоб-китобида:

01-варақ ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 3-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

1-иловада:

«Доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар» жадвалидан «110» рақами чиқариб ташлансин;

«Доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар» жадвалидан «110» рақами чиқариб ташлансин;

д) ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 4-иловага мувофиқ таҳрирда Юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ҳисоб-китоби билан тўлдирилсин;

е) ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 5-иловага мувофиқ таҳрирда Юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг мол-мулкни

реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинган фойда солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби билан тўлдирилсин;

ж) ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 6-иловага мувофиқ таҳрирда Юридик шахслардан олинган фойда солиғи ушлаб қолинган акциялар олди-сотдиси бўйича битимлар реестри билан тўлдирилсин.

3. 2-иловада:

а) Жисмоний шахсларга мол-мулкни ижарага беришдан олинган жисмоний шахсинг даромадлари тўғрисидаги дастлабки тарздаги декларацияда:

02-варақ ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 7-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

илова ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 8-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 9-иловага мувофиқ таҳрирда 2-илова билан тўлдирилсин;

б) Жисмоний шахсинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 10-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

в) ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 11-иловага мувофиқ таҳрирда Чет эл жисмоний шахсининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ҳисоб-китоби билан тўлдирилсин;

г) ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 12-иловага мувофиқ таҳрирда Чет эл жисмоний шахсининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби билан тўлдирилсин;

д) ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 13-иловага мувофиқ таҳрирда Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ушлаб қолинган акциялар олди-сотдиси бўйича битимлар реестри билан тўлдирилсин.

4. 3-иловада:

а) Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида:

қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«* 0501, 0502, 0503-сатрлар микрофирма ва кичик корхоналар тоифасига тааллуқли бўлмаган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.»;

6-илованинг изоҳидаги «0103-сатр бўйича» деган сўзлар «0701-сатр бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7 ва 8-иловалар тегишинча ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 14 ва 15-иловаларга мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

б) Ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартибида:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ҳисобварақ-фактураларнинг намунавий шакллари ушбу Тартибнинг иловасида келтирилган.»;

қуйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

«15¹. Жадвал шаклини тўлдиришда транспорт воситаларига бензин, ди-

зель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчилари қуйидагиларни кўрсатиб ўтишлари лозим бўлади:

1-устунда — реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг номи;

2-устунда — ўлчов бирликлари (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса);

3-устунда — ўлчов бирлигидан (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса) келиб чиқиб ҳисобварақ-фактура бўйича реализация қилинган товарлар миқдори (ҳажми);

4-устунда — шартнома (контракт) бўйича ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда, ҚҚСни ўз ичига оладиган давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) қўлланилган тақдирда эса, ҚҚС суммасини ҳисобга олган ҳолда товар ўлчов бирлигига тўғри келадиган нархи (тарифи);

5-устунда — реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз солиғи ва ҚҚСсиз қиймати;

6-устунда — акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи ставкаси;

7-устунда — акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи суммаси. Акциз солиғи тўловчилари ҳисобланмайдиган юридик шахслар 6 ва 7-устунларда «Акциз солиғисиз» деган штампни қўядилар (ёки ёзув киритадилар);

8-устунда — ҚҚС ставкаси;

9-устунда — товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олувчисига тақдим этиладиган ҚҚС суммаси. ҚҚС тўловчилари ҳисобланмаган, шунингдек ҚҚСдан озод этиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилувчи юридик шахслар 8 ва 9-устунларда «Қўшилган қиймат солиғисиз» деган штампни қўядилар (ёки ёзув киритадилар);

10-устунда — жами реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғини ва ҚҚСни қўшган ҳолда қиймати. Акциз солиғи ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланмайдиган корхоналар 10-устунни тўлдирмайдилар;

11-устунда — транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкаси;

12-устунда — транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси;

13-устунда — жами реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғини, ҚҚСни ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни қўшган ҳолда қиймати.

Ҳисобварақ-фактуранинг яқунловчи сатрида 5, 7, 9, 10, 12 ва 13-устунлар бўйича суммалар жамланади.»;

23 — 30-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«23. Воситачи (ишончли вакил) комитентнинг (топширик берувчининг) манфаатида воситачилик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ шартнома асосида амалга ошириладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ва (ёки) сотиб олиш операциялари бўйича унга бирламчи хуж-

жатлар учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган воситачи (ишончли вакил) ва комитентнинг (топширик берувчининг) барча реквизитларига эга бўлган ҳисобот тақдим этади. Воситачининг (ишончли вакилнинг) ҳисоботига қуйидаги маълумотлар киритилган бўлиши лозим:

тегишли ҚҚС суммаси ажратилган ҳолда воситачи (ишончли вакил) томонидан реализация қилинган (сотиб олинган) товарлар (ишлар, хизматлар) миқдори ва қиймати. Бунда ҳисоботга воситачи (ишончли вакил) томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) комитентнинг (топширик берувчининг) манфаатида реализация қилинганлигини (сотиб олинганлигини) тасдиқловчи шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, далолатномалар ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган бўлиши лозим;

комитент (топширик берувчи) томонидан қопланиши лозим бўлган харажатларга воситачи (ишончли вакил) томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни (операцияларни) комитент (топширик берувчи) ўзи бажарган тақдирда юзага келиши мумкин бўлган, воситачи (ишончли вакил) томонидан учинчи шахсларга воситачилик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича топширикни бажариш муносабати билан (товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш) тўланган маблағлар тааллуқли. Бунда воситачи (ишончли вакил) агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик (топширик) шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса комитентнинг (топширик берувчининг) мол-мулкини ўзида сақлаш бўйича харажатларни қоплатишга ҳақли эмас. Ҳисоботга ушбу харажатларни юзага келиши ва тўланганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши шарт. Воситачи (ишончли вакил) томонидан комитент (топширик берувчи) учун амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, комитент (топширик берувчи) ушбу суммаларни ўз харажатлари таркибига киритишга ва ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш пайтида тегишли ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга;

шартнома шартларига мувофиқ воситачининг (ишончли вакилнинг) (агар воситачи (ишончли вакил) ҚҚС тўловчиси бўлса) ҚҚСни ўз ичига олувчи ҳақи суммаси;

комитентдан (топширик берувчидан) олинган аванслар суммаси; воситачилик (топширик) шартномасини бажариш билан боғлиқ воситачига (ишончли вакилга) тўланиши лозим бўлган сумма.

Воситачининг ҳисоботига шартномада назарда тутилган бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

24. Ҳисоботни тақдим этиш муддати воситачи (ишончли вакил) томонидан комитентнинг (топширик берувчининг) манфаатида товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган (сотиб олинган) ой тугаганидан сўнг 5 банк иш кунидан ошмаслиги лозим. Бунда воситачилик хизматларини кўрсатиш шартномасида ҳисоботни топширишнинг бундан кам бўлган муддат кўрсатилиши мумкин.

25. Товарларни (ишларни, хизматларни) топширик шартномаси бўйича реализация қилишда ишончли вакил сотиб олувчи номига топширик берувчи номидан ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Ҳисобварақ-фактурада топши-

риқ берувчи ва сотиб олувчининг реквизитларидан ташқари ишончли вакилнинг реквизитлари ҳам кўрсатилиши лозим. Ҳисобварақ-фактура уч нусхада тақдим этилади. Биринчи нусха сотиб олувчига, иккинчиси топшириқ берувчига берилади, учинчиси ишончли вакилда сақланади.

26. Комитентнинг товарларини (ишларини, хизматларини) воситачилик шартномаси бўйича реализация қилишда воситачи ўзининг номидан икки нусхада ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Бунда «Етказиб берувчи» сатрида қўшимча равишда «Воситачи» кўрсатилади. Ҳисобварақ-фактурада воситачи ва сотиб олувчининг реквизитларидан ташқари комитентнинг реквизитлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

27. Комитентга (топшириқ берувчига) тегишли товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясини амалга оширувчи воситачи (ишончли вакил), ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олувчисига тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни Тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журналида сақлайди. Кўрсатиб ўтилган ҳисобварақ-фактураларга тартиб рақамлар воситачи (ишончли вакил) томонидан тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактуралар хронологиясига мувофиқ берилади. Бунда мазкур ҳисобварақ-фактуралар Сотиш реестрида рўйхатдан ўтказилмайди ва воситачи (ишончли вакил) томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммаси ҳисоблаб чиқарилмайди.

28. Воситачи (ишончли вакил) комитентга тегишли бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш бўйича операцияларни амалга оширишда комитент (топшириқ берувчи) воситачидан (ишончли вакилдан) олинган ҳисобот асосида 5 банк иш куни давомида воситачининг (ишончли вакилнинг) номига санаси, шунингдек воситачи (ишончли вакил) томонидан сотиб олувчига тақдим этилган ҳисобварақ-фактуранинг кўрсаткичлари акс эттирилган ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Бунда «Етказиб берувчи» сатрига қўшимча равишда «Комитент» («Топшириқ берувчи») номи кўрсатилади.

29. Комитент (топшириқ берувчи) томонидан воситачига (ишончли вакилга) тақдим этилган ҳисобварақ-фактура комитент (топшириқ берувчи) томонидан тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактуралар хронологиясига мувофиқ рақамланади. Комитент (топшириқ берувчи) томонидан воситачига (ишончли вакилга) тақдим этилган ҳисобварақ-фактура комитентнинг (топшириқ берувчининг) Сотиш реестрида рўйхатдан ўтказилади.

30. Воситачи (ишончли вакил) номидан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича комитентдан (топшириқ берувчидан) олинган ҳисобварақ-фактуралар (топшириқ берувчининг номидан ишончли вакил томонидан) воситачининг (ишончли вакилнинг) Олинган ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журналида сақланади. Бунда ушбу ҳисобварақ-фактуралар воситачининг (ишончли вакилнинг) Сотиб олиш реестрида рўйхатдан ўтказилмайди ва ушбу ҳисобварақ-фактураларда ажратиб кўрсатилган ҚҚС суммаси воситачи (ишончли вакил) томонидан ҳисобга олинмайди.»;

36-банддаги «25» рақами «27» рақами билан алмаштирилсин;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Воситачи (ишончли вакил) комитентга (топшириқ берувчига) воситачилик (топшириқ) шартномасини бажариш бўйича ўзининг ҳақи суммасига алоҳида ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Ушбу ҳисобварақ-фактура воситачи (ишончли вакил) томонидан Сотиш реестрида, комитент (топшириқ берувчи) томонидан эса Сотиб олиш реестрида рўйхатдан ўтказилади. Воситачи (ишончли вакил) ҳисобварақ-фактурага қўшимча равишда комитент (топшириқ берувчи) томонидан имзоланган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириши лозим.»;

38-банддаги «32 — 35» рақамлари «31 — 35» рақамлари билан алмаштирилсин;

39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Воситачининг (ишончли шахснинг) ҳисоботида асосан комитент (топшириқ берувчи) томонидан қопланиши лозим бўлган маблағлар, воситачи (ишончли вакил) томонидан ўзининг ҳақи суммасига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурага илова қилинадиган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади. Бунда воситачи (ишончли вакил) томонидан ўзининг ҳақи суммасига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада комитент (топшириқ берувчи) томонидан қопланиши лозим бўлган сумма кўрсатилмайди.»;

44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Комитент (топшириқ берувчи) учун реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлган норезидент томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) олинганда, комитентнинг (топшириқ берувчининг) номига ҳисобварақ-фактура ушбу Тартибнинг 31 — 35-бандларида назарда тутилган тартибда расмийлаштиради.»;

илова ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 16-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

в) Олинган ва реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестрини юритиш тартибининг 7-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Сотиб олиш реестрининг қўшимча варақлари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.».

5. 6-илованинг Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобига илованинг изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«2014 йилнинг 1 апрелидан 0202-сатрда кўрсатилган имтиёз бекор қилинганлиги муносабати билан, ушбу сатрнинг қиймати фақат 2014 йилнинг 1-чораги якуни бўйича тўлдирилади ва солиқ ҳисоботи даври мобайнида ўзгаришсиз қолади.».

6. 7-илованинг Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобида:

02-варақ ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 17-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

4-иловада:

0201-сатрдаги «уй-жой коммунал хўжалиги объектлари» деган сўзлар «коммунал хўжалиги объектлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

02015-сатрдаги «ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик жиҳозлар, беш йиллик муддатга» деган сўзлар «кўпи билан ўн йил давомида ишлатиб келинаётган машина ва асбоб-ускуналар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Изоҳ қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«2014 йилнинг 1 апрелидан 0203, 0204, 0206 ва 02010-сатрларда кўрсатилган имтиёзлар бекор қилинганлиги муносабати билан, ушбу сатрларнинг қийматлари фақат 2014 йилнинг 1-чораги якуни бўйича тўлдирилади ва солиқ ҳисоботи даври мобайнида ўзгаришсиз қолади.»

7. 8-илованинг Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китобига 2-илова ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 18-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

8. 9-иловада:

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчи ҳақидаги маълумотларда:

«Ёқилғи қуйиш шохобчасининг жойлашган ери» деган сўзлар «Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасининг жойлашган ери*» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«* Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилувчи юридик шахслар томонидан тўлдирилади.»;

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисоб-китоби ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 19-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

9. 10-илованинг Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобига 3-илова ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 20-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

10. 11-иловадаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари» деган сўзлар «бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 13-иловада:

а) Солиқ солиш тартибини қўллаш тўғрисида хабарномадаги «тушумдаги» деган сўз «соф тушумдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) Ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотдаги «тушумдаги» деган сўз «соф тушумдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобида:

0802-сатрнинг «Кўрсаткичлар» устунидаги «10» рақамлари «5» рақамлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг изоҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

041 – 04...-сатрларнинг қиймати мос равишда 031 – 03...-сатрлар қийматига тенг ёки кичик бўлган ҳолларда, 051 – 05...-сатрларда «0» қиймат кўрсатилади.

011 – 01..., 021 – 02..., 031 – 03..., 041 – 04..., 051 – 05... ва 061 – 06...-сатрлар тузилган ижара шартномаларининг сонидан келиб чиқиб тўлдирилади.

Тўрттадан ортиқ ижара шартномаси мавжуд бўлганда, бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилганда кўрсаткичларни битта сатрга гуруҳлашга рухсат этилади:

а) ижарага олинаётган жойдан фойдаланиш мақсади бир хил бўлганда. Масалан, бир нечта ижарачи уларга ижарага берилган жойдан бир хил мақсадда — тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун фойдаланади;

б) объектлар (жойлар) битта ҳудудда жойлашганда. Масалан, Тошкент шаҳрида.

в) 1 квадрат метр учун ижара ҳақининг суммаси бир хил бўлганда;

г) ижара шартномасининг амал қилиш муддати бир хил бўлганда.»;

4-илова ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 21-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

12. 14-иловадаги Солиқ солиш тартибини қўллаш тўғрисида хабарномадаги «тушумдаги» деган сўз «соф тушумдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

«Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«СТИР

Хужжат тури / Ҳисобот даври чорак Солиқ даври йил

Хужжат тури: 1 — маълумотнома, 2 — аниқлаштирувчи (каср орқали аниқлаштирув рақами)

Юридик шахснинг тўлиқ номи _____

Юридик шахснинг жойлашган ери _____
Почта манзили _____

Телефон: код рақам

Маълумотномани тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)

_____ га тақдим этилади
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Ўлчов бирлиги

**Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун
МАЪЛУМОТНОМА**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Ҳисобот давридаги юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича тахмин қилинаётган солиқ солиш базаси	010	
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси, %	020	
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси (010-сатр x 020-сатр)	030	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ солиш базаси — тахмин қилинаётган соф фойда (010-сатр – 030-сатр)	040	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси, %	050	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси (040-сатр x 050-сатр)	060	

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Хар ойлик жорий тўловлар суммаси:		
юрлик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича (050-сатр / 3)	070	
ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича (060-сатр / 3)	080	

Изоҳлар:

1. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ озод бўлиш кўринишида: юрлик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёз берилган бўлса, 020, 030 ва 070-сатрларда «0» қўйилади;

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёз берилган бўлса, 040, 050 060 ва 080-сатрларда «0» қўйилади.

2. 040, 050, 060 ва 080-сатрлар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тўлдирилмайди ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи тўланмайди.

Мазкур Маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:		Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади	
Раҳбар		Мазкур Маълумотнома (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)	
СТИР		<input type="checkbox"/> шахсан	<input type="checkbox"/> почта орқали
Ф.И.О.			
Имзо			
Бош бухгалтер		<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди	
СТИР		Тақдим	
Ф.И.О.		этилган сана	
Имзо			(кк/оо/йй)
Сана		Ф.И.Ш.	
	(кк/оо/йй)	Имзо	

М.Ў.».

«Солиқ ҳисоботининг шакллари
тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаёт-
ган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

24 (628)-сон

«СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

варақ

0	1
---	---

**Норезидентларнинг даромадидан солиқ агенти томонидан тўлов манбаидан ушлаб
қолинадиган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг
ҲИСОБ-КИТОБИ***

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Даромадни тўлашга асос (контрактнинг рақами, санаси ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар)	Жами даромад суммаси	Солиқ солинадиган даромад суммаси	Солиқ ставкаси, %	Солиқ суммаси
Одий ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар, жами (011 – 01...-сатрлар йиғиндиси)	010					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	011					
	01...					
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мол-мулкни реализация қилишдан олинадиган даромадлар, жами (021 + 022-сатрлар йиғиндиси):	020					
юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси резидентлари устав капиталидаги акциялари, улушлари (пайлари) (0211 – 021...-сатрлар йиғиндиси)	021					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	0211					
	021...					
кўчмас мулк, жами (0221 – 022...-сатрлар йиғиндиси)	022					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	0221					
	022...					
Ўзбекистон Республикаси норезидентига тегишли товарларни Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ўзи ёхуд Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан воситачилик, топшириқ шартномаси асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилишдан олинадиган даромадлар, жами (031 – 03...-сатрлар йиғиндиси)	030					

— 83 —

300-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--

варақ

0	2
---	---

шу жумладан:		x	x	x	x	x
	031					
	03...					
Роялти, жами (041 – 04...-сатрлар йигиндиси)	040					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	041					
	04...					
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага ёки иккиламчи ижарага топширишдан олинадиган даромадлар, жами (051 – 05...-сатрлар йигиндиси)	050					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	051					
	05...					
Таваккалчиликларни сугурта қилиш, биргаликда сугурта қилиш ва қайта сугурта қилиш шартномалари бўйича тўланадиган сугурта мукофотлари, жами (061 – 06...-сатрлар йигиндиси)	060					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	061					
	06...					
Ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнитли тизимлар орқали белгилар, сигналлар, матнлар, тасвирлар, товушларни узатганлик, қабул қилганлик ва қайта ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси норезидентларига ҳақ тўланишини назарда tutувчи халқаро алоқа учун телекоммуникациялар хизматларига тўлов, жами (071 – 07...-сатрлар йигиндиси)	070					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	071					
	07...					
Денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташишларда фойдаланишдан олинадиган даромадлар (фрахтдан олинадиган даромадлар), жами (081 – 08...-сатрлар йигиндиси)	080					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	081					
	08...					
Транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатишдан олинган даромадлар, жами (091 – 09...-сатрлар йигиндиси)	090					

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

варақ

0	3
---	---

шу жумладан:		x	x	x	x	x
	091					
	09...					
Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун жарималар ҳамда пеня, жами (101 – 10...-сатрлар йиғиндиси)	100					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	101					
	10...					
Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар, жами (111 – 11...-сатрлар йиғиндиси)	110					
шу жумладан:		x	x	x	x	x
	111					
	112					
	11...					
Жами	120					

* Дивидендлар ва фоизлардан тўлов манбаида ушлаб қолинганлиги бўйича ҳисоб-китоб, Солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинган дивидендлар ва фоизлар кўринишида тўланадиган даромадлардан олинадиган солиқ ҳисоб-китобига мувофиқ тақдим қилинади.

Раҳбар

(имзо)

Бош бухгалтер

(имзо)

М.Ў.».

«Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
З-ИЛОВА

«СТИР»

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

варақ

0	1
---	---

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тўланадиган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар (мазкур Ҳисоб-китобнинг 1-илоvasи маълумотлари бўйича қабул қилинади)	010	
Доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар (мазкур Ҳисоб-китобнинг 1-илоvasи маълумотлари бўйича қабул қилинади)	020	
Фойда солиғи тўлангунга қадар бўлган фойда (зарар) (010-сатр – 020-сатр)	030	
Солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текинга олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, ишлар, хизматлар (010-сатрда кўрсатилганлардан ташқари)	040	
Чегирилмайдиган харажатлар (солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар) (мазкур Ҳисоб-китобнинг 2-илоvasи 010-сатри)	050	
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган, бироқ кейинги ҳисобот (солиқ) даврларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатлар (мазкур Ҳисоб-китобнинг 3-илоvasи 010-сатри)	060	
Ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган, илгари қилинган харажатлар (мазкур Ҳисоб-китобнинг 4-илоvasи 010-сатри)	070	
Ҳисобот (солиқ) даврининг солиққа тортиладиган базасига киритилиши лозим бўлган харажатлар (050-сатр + 060-сатр – 070-сатр)	080	
Олинган (олиниши лозим бўлган) дивидендлар	090	
Олинган (олиниши лозим бўлган) фоизлар	100	
Солиқ солинадиган фойда ((030-сатр + 040-сатр + 080-сатр – 090-сатр – 100-сатр), бироқ 020-сатрнинг 10%дан кам бўлмаган миқдорда)	110	
Солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши *	120	
Солиқ солинадиган база, жами (110-сатр – 120-сатр)	130	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси, %да	140	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси (130-сатр x 140-сатр)	150	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (030-сатр – 150-сатр)	160	
Соф фойдадан солиқ ставкаси	170	10%
Соф фойдадан олинган солиқ суммаси (160-сатр x 170-сатр)	180	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси, жами (150-сатр + 180-сатр)	190	
Доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилгунига қадар тўлов манбаида ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси**	200	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг бюджетга тўланиши лозим бўлган суммаси (+) ёки камайтириладиган суммаси (-) (190-сатр – 200-сатр)	210	

* Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг V бўлимига мувофиқ солиқ солинадиган фойда камайтирилганда ҳисоб-китобга камайтириш миқдори ва асослари кўрсатилган маълумотнома илова қилинади.

** Доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилгунига қадар тўлов манбаида ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасини ҳисобга олиш учун ушбу ҳисоб-китобга солиқ агенти томонидан тақдим

24 (628)-сон

— 87 —

300-модда

этилган Даромад суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг жами суммаси тўғрисида маълумотнома илова қилинади.

Рахбар

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (имзо)

М.Ў.».

«Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга
4-ИЛЮВА

«Юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинган фойда солиги
ҲИСОБ-КИТОБИ

Мол-мулкни сотиб олувчи (чет эл юридик шахси ёки жисмоний шахси — Ўзбекистон Республикаси норезиденти ёки резиденти) тўғрисида маълумотлар	Мол-мулкни сотувчи (чет эл юридик шахси) тўғрисида маълумотлар
1. Юридик шахснинг тўлиқ номи (жисмоний шахснинг Ф.И.О.) <input style="width: 95%;" type="text"/>	<input style="width: 95%;" type="text"/>
2. Юридик шахснинг жойлашган ери ёки почта манзили (жисмоний шахснинг яшаш жойи) <input style="width: 95%;" type="text"/>	<input style="width: 95%;" type="text"/>
3. Телефон код <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> рақам <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> код <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> рақам <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/>	
4. Олди-сотди предмети бўлган мол-мулк тўғрисида маълумот <input style="width: 95%;" type="text"/>	
Ушбу Ҳисоб-китоб <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> варақда тузилган, унга илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари <input style="width: 20px;" type="text"/> <input style="width: 20px;" type="text"/> варақда.	

(мол-мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органи)

га тақдим этилади.

Реализация қилинган мол-мулк тури	Мол-мулкни реализация қилиш қиймати		Мол-мулкни олиш қиймати								Мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромад (2-уст. – 11-уст.)	Юридик шахслардан олинган фойда солиги ставкаси, %да	3-устунда кўрсатилган валютлада (12-уст. х 13-уст.) юридик шахслардан олинган фойда солиги суммаси,
			мол-мулкни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган валютлада		мол-мулкни олиш санаси (кк/оо/йй)	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мол-мулкни олиш санасидаги сўмга нисбатан курси		мол-мулкни олиш санасида пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга чет давлат марказий (миллий) банкнинг АҚШ долларига нисбатан белгиланган курси		ҳисоб-китоб тузилган валютлада ифодаланган қиймати (4-уст. х 7-уст. / 8-уст.) ёки (4-уст. х 9-уст. / 10-уст.)			
			сумма	валюта тури		сумма	валюта тури	5-устунда кўрсатилган валютанинг	3-устунда кўрсатилган валютанинг				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
...													

«Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
5-ИЛОВА

«Юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш ТАРТИБИ

1. Юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби (кейинги ўринларда Ҳисоб-китоб деб юритилади) акциядорлик жамиятлари — Ўзбекистон Республикаси резидентлари акциялари, юридик шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги улушлари (пайлари) ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўчмас мулк (кейинги ўринларда мол-мулк деб юритилади) бир юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан бошқа юридик шахсга — Ўзбекистон Республикаси норезидентига, жисмоний шахсга — Ўзбекистон Республикаси норезидентига ёки резидентига реализация қилинган тақдирда тўлдирилади, бундан акциялар Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозларининг биржа бозори ва уюшган биржадан ташқари бозорида реализация қилинган ҳоллари мустасно.

2. Ҳисоб-китобда мол-мулкни сотиб олувчи (чет эл юридик шахси ёки жисмоний шахси — Ўзбекистон Республикаси норезиденти ёки резиденти) ва мол-мулкни сотувчи (чет эл юридик шахси) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- 1) юридик шахснинг тўлиқ номи (жисмоний шахснинг Ф.И.О.);
- 2) юридик шахснинг жойлашган ери ёки почта манзили (жисмоний шахснинг яшаш жойи);
- 3) телефон коди ва рақами;
- 4) олди-сотди предмети бўлган мол-мулк тўғрисида маълумот;
- 5) Ҳисоб-китоб тузилган варақлар сони;
- 6) тасдиқловчи ҳужжатлар ёки уларнинг кўчирма нусха варақларининг сони;
- 7) мол-мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органининг номи.

3. Жадвал шаклини тўлдиришда қуйидаги маълумотларни кўрсатиш лозим:

- 1-устунда — реализация қилинаётган мол-мулк тури;
- 2-устунда — мол-мулкни реализация қилиш қиймати;
- 3-устунда — мол-мулкни реализация қилиш валютасининг тури;
- 4-устунда — мол-мулкни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжат-

ларда кўрсатилган валютада мол-мулкни олиш қиймати. Мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганда 4 — 11-устунлар тўлдирилмайди;

5-устунда — мол-мулкни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган мол-мулкни олиш валютасининг тури;

6-устунда — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўмга нисбатан курси ёки пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга чет давлат марказий (миллий) банкининг АҚШ долларига нисбатан белгиланган курси аниқланмаган мол-мулкни олиш санаси.

Агар мол-мулкни реализация қилиш қиймати (3-устун) ва мол-мулкни олиш қиймати (5-устун) бир хил валютада ифодаланган бўлса, у ҳолда 6-устун тўлдирилмайди.

Масалан, «А» норезиденти «В» норезидентининг (чет эл юридик шахсининг) «XYZ» МЧЖ устав капиталидаги улушини 10,0 минг АҚШ долларига сотиб олмоқда. «В» норезиденти томонидан тақдим этилган ҳужжатда улушнинг олиш қиймати 8,0 минг АҚШ доллари суммасига тасдиқланмоқда.

Жадвал шаклида қуйидагилар кўрсатилади:

Реализация қилинаётган мол-мулк тури	Мол-мулкни реализация қилиш қиймати		Мол-мулкни олиш қиймати		
			мол-мулкни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган валютада		мол-мулкни олиш санаси (кк/оо/йй)
	сумма	валюта тури	сумма	валюта тури	
1	2	3	4	5	6
Устав капиталдаги улуш	10 000	АҚШ доллари	8 000	АҚШ доллари	

Агар мол-мулкни реализация қилиш қиймати (3-устун) ва мол-мулкни олиш қиймати (5-устун) бир хил валютада ифодаланган бўлса, лекин мол-мулк реализация қилингунига қадар валюта деноминация қилинган бўлса, у ҳолда 6-устунда мол-мулкни олиш санаси кўрсатилади.

Масалан, «В» норезиденти (чет эл юридик шахси) «А» норезидентига ўзининг «XYZ» МЧЖ устав капиталидаги улушини 50,0 минг турк лирасига реализация қилмоқда. «В» норезиденти томонидан тақдим этилган ҳужжатда улушнинг олиш қиймати 10 000,0 минг турк лираси суммасига тасдиқланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки турк лирасининг (TRY) сўмга нисбатан (UZS) курсини қуйидагича белгиланган:

2000 йилнинг 17 октябрига (улушни олиш санасига) — 1 000 TRY = 0,45 UZS;

2014 йилнинг 4 мартига (улушни реализация қилиш санасига) — 1 TRY = 1006,33 UZS.

Жадвал шаклида қуйидагилар кўрсатилади:

Реализация қилинаётган мол-мулк тури	Мол-мулкни реализация қилиш қиймати		Мол-мулкни олиш қиймати		
			мол-мулкни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган валютада		мол-мулкни олиш санаси (кк/оо/йй)
	сумма	валюта тури	сумма	валюта тури	
1	2	3	4	5	6
Устав капиталдаги улуш	50 000	АҚШ доллари	10 000 000	турк лираси	17/10/2000

7-устунда — 5-устунда кўрсатилган валютанинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мол-мулкни олиш санасидаги сўмга нисбатан курси;

8-устунда — 3-устунда кўрсатилган валютанинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мол-мулкни олиш санасидаги сўмга нисбатан курси;

9-устунда — 5-устунда кўрсатилган валютанинг мол-мулкни олиш санасида пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга чет давлат марказий (миллий) банкининг АҚШ долларига нисбатан белгилаган курси;

10-устунда — 3-устунда кўрсатилган валютанинг мол-мулкни олиш санасида пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга чет давлат марказий (миллий) банкининг АҚШ долларига нисбатан белгилаган курси;

1) Агар мол-мулкни реализация қилиш қиймати (3-устун) ва мол-мулкни олиш қиймати (5-устун):

а) сўмда ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўмга нисбатан курси белгиланган бир хил чет эл валютасида ифодаланган бўлса, у ҳолда 7 ва 8-устунларга «1» қиймат қўйилади, 9 ва 10-устунлар эса тўлдирилмайди.

Масалан, «В» норезиденти (чет эл юридик шахси) «А» норезидентига ўзининг «XYZ» МЧЖ устав капиталидаги улушини 10,0 минг АҚШ долларига реализация қилмоқда. «В» норезиденти томонидан тақдим этилган ҳужжатда улушнинг олиш қиймати 8,0 минг АҚШ доллари суммасига тасдиқланмоқда.

Реализация қилинган мол-мулк тури	Мол-мулкни реализация қилиш қиймати		Мол-мулкни олиш қиймати						
			мол-мулкни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган валютада		мол-мулкни олиш санаси (кк/00/йй)	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мол-мулкни олиш санасидаги сўмга нисбатан курси		мол-мулкни олиш санасида пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга чет давлат марказий (миллий) банкининг АҚШ долларига нисбатан белгиланган курси	
	сумма	валюта тури	сумма	валюта тури		5-устунда кўрсатилган валютанинг	3-устунда кўрсатилган валютанинг	5-устунда кўрсатилган валютанинг	3-устунда кўрсатилган валютанинг
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Устав капиталдаги улуш	10 000	АҚШ доллари	8 000	АҚШ доллари		1	1		

б) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўмга нисбатан курси белгиланмаган бир хил чет эл валютасида ифодаланган бўлса, у ҳолда 7 ва 8-устунлар тўлдирилмайди, 9 ва 10-устунларга эса «1» қиймат қўйилади.

Масалан, «В» норезиденти (чет эл юридик шахси) «А» норезидентига ўзининг «XXX» АЖдаги акцияларини 25,0 минг ҳинд рупиясига реализация қилмоқда. «В» норезиденти томонидан тақдим этилган ҳужжатда акцияларнинг олиш қиймати 15,0 минг ҳинд рупияси суммасига тасдиқланмоқда.

Реализация қилинган мол-мулк тури	Мол-мулкни реализация қилиш қиймати		Мол-мулкни олиш қиймати						
			мол-мулкни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган валютада		Мол-мулкни олиш санаси (кк/оо/йй)	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мол-мулкни олиш санасидаги сўмга нисбатан курси		мол-мулкни олиш санасида пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга чет давлат марказий (миллий) банкининг АҚШ долларига нисбатан белгиланган курси	
	сумма	валюта тури	сумма	валюта тури		5-устунда кўрсатилган валютанинг	3-устунда кўрсатилган валютанинг	5-устунда кўрсатилган валютанинг	3-устунда кўрсатилган валютанинг
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
«XXX» АЖдаги акциялари	25 000	ҳинд рупияси	15 000	ҳинд рупияси				1	1

в) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўмга нисбатан курси белгиланган ҳар хил (турли хил) чет эл валютасида ифодаланган бўлса, у ҳолда 7 ва 8-устунларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мол-мулкни олиш санасидаги курси қўйилади, 9 ва 10-устунлар эса тўлдирилмайди.

Масалан, «В» норезиденти (чет эл юридик шахси) «А» норезидентига ўзининг «XYZ» МЧЖ устав капиталидаги улушини 9,0 минг еврога (EUR) реализация қилмоқда. «В» норезиденти томонидан тақдим этилган ҳужжатда улушнинг олиш қиймати 10,0 минг АҚШ доллари (USD) суммасига тасдиқланмоқда. 2000 йилнинг 31 октябрига (улушни олиш санасига) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси қуйидагича белгиланган:

1 USD = 307,25 UZS;

1 EUR = 258,40 UZS.

Реализация қилинган мол-мулк тури	Мол-мулкни реализация қилиш қиймати		Мол-мулкни олиш қиймати						
			мол-мулкни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган валютада		мол-мулкни олиш санаси (кк/00/йй)	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мол-мулкни олиш санасидаги сўмга нисбатан курси		мол-мулкни олиш санасида пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга чет давлат марказий (миллий) банкининг АҚШ долларига нисбатан белгиланган курси	
	сумма	валюта тури	сумма	валюта тури		5-устунда кўрсатилган валютанинг	3-устунда кўрсатилган валютанинг	5-устунда кўрсатилган валютанинг	3-устунда кўрсатилган валютанинг
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
